

---

## **“Янги Ўзбекистон ёшлари – келажак таянчи”: Учкўприқда ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказилди**

Учкўприқ тумани ҳокими Аброржон Асқаров иштирокида “Янги Ўзбекистон ёшлари – келажак таянчи” мавзусида ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказилди. Унда туман ҳокимлиги масъуллари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Очиқ мулоқотда ҳудудларда ёшларга оид давлат дастурлари билан ишлаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чораларининг самарадорлиги ҳақида маълумот берилди.

Мамлакатимиз ёшлари ўз иқтидор ва салоҳиятини намойиш этиши, илмий салоҳиятини юксалтириши, жамиятда муносаб ўрин эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамиз” деган сўзлари ҳар бир ёш, баркамол авлод учун озод ва обод Ватан қуриш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги эзгу мақсадларига туртки бўлиши эътироф этилди.

Учкўприқ туманида ҳам ёшларнинг ижтимоий-иктисодий муаммолари, таклиф ва истакларини ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда туман ҳокими аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш, улар учун доимий даромад манбаини яратиш, касб-хунарга ўргатиш орқали аниқ ва манзилли қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Эркин, ўзаро очиқ мулоқот шаклида ўтган учрашувда туман ҳокими ёшларнинг таклиф ва муаммоларини ўрганди, уларни ўйлантираётган масалалар билан қизиқди.

Ёшлар томонидан кўтарилиган ҳар бир масала ва ташабbusга аниқ ва атрофлича жавоб берилиб, масалаларнинг ечими юзасидан шу жойнинг ўзида аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

2023-09-30 15:48:06